

Ушбу сонда:



## 2 Сўқиниш маданият...ми?

Тахминан 6-синфларда ўқийдиган икки ўғил бола бир-бирини беаёв ҳақорат қилмоқда. Ҳақоратнинг тилга олиб бўлмас барча найзалари ўйда фарзандларини кутиб ўтирган оналарга санчилмоқда.

## 3 Мағлубиятни унутиб бўлмайди

Орадан чорак аср ўтса-да, Аргентина томони ҳали ҳам Фолкленддан умиди ҳам Фолкленддан умиди нима узмади. Мамлакатда ҳозирга қадар ҳаттоки катта сиёсий доираларда ҳам орол Аргентина мулки сифатида эътироф этилади.

## 4 Саида — боқий образ

Бир пайтлар Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур "Синчалак" повестида маломат тошлари отилди. Масалага чуқурроқ ёндашсак, қаҳрамоннинг ички оламига саёҳат қилсак, унинг туб моҳияти очилади.

**HURRIYAT**га  
2007 йил учун обуна йил бўйи  
давом этади.  
Газетамизни ўқиб боринг,  
ютқазмайси! — 233

## Чорлов

# «Қалдирғочларга бер айвонларингни»

Турналар уввос солиб учиб ўтишди. Болалар уларни арқон бўлиб, гилам бўлиб деб бақириб-чакириб кузатиб қолишди. Лекин болакайлар уларнинг қанотларида ўтириб келган қалдирғочларни сезмадилар. Қалдирғочлар адашмай ўтган йили ўзлари тарқ этган ошпазларга қайтиб келдилар. Ҳаётга шуқроналарни айтиб, узоқ вақт «вижир-вижир» қилиб сайрадилар...

Пардабой ТОҶИБОВ



кўзга уриладиган унсурларнинг кўпчилиги маълум. Шундай пайтларда айри қанотларини турнанинг кўзига қалқон қилаётган қалдирғочни ўйланган, ажиб бир меҳрни ҳис этасиз. Одамзод меҳрни қалдирғочлардан ўрганса яхши бўларди, деб қўясиз. Унинг меҳнатқашлиги-чи? Бўғотга солган ошпазнинг қайтадан «таъмирлаётганини» кўриб узоқ вақт кузатиб турдинг. Нақадар меҳнатқаш, кўш бу! Тупроқни оғзидаги сўлаги билан ҳўллайдиган. Авайлаб тумшукларида олиб келади, кейин уясининг дарз кетган жойларига ёпиштиради. Мана олти ой умргузаронлик қилинадиган уя ҳам тухум қўйиб бола очиб учун тайёр қолган келди. Шунда қалдирғочларнинг ҳовчонини сезганмисиз? У сиз устунга тортилган симга қўйиб олиб, энг янграқ қўшигини қуйласа керак! Ер юзидеги ўзбекистондай тинч ва осуда юрт борлигини, унинг фуқаролари ўзлари учун бола очишга, уя қуришга уларини очиб берганидан эҳтимол шодмондирлар?! Ўзбек бекорга қалдирғочча

уйидан жой бермайди, бекорга уни эъзозламайди. У қалдирғочнинг вижир-вижирларини муқаддас Қуръон сўзларига менгашади. Жиззахлик шоир Назиржон Баракаев бир кузатувини айтиб берганди: «Заҳарли илон унинг шифтида пайдо бўлибди. Газанда болорга сирганиб, қалдирғочнинг уясидеги боласини емоқчи! Шунда деразанинг очик кўзидан ўқдай учиб қирган қалдирғоч уяси оғзига бешиктерватари қўяди. Яхшилик билан ёмонлик ўртасида кураш бошланади. Бешиктерватар илонни ром қилиб, унинг иккала кўзини ўйиб олади. Босқинчи ерга шалоплаб тушади. Гўлиб бешиктерватарни жойига қўйиб келиш учун қалдирғоч учиб кетади».

Қушбозлар қалдирғочни бир кунда ўз оғирлигича зарарли ҳашаротларга қирон келтирди дейишди. Ёзда пашша-чинчилар кўпайган пайтда уни кузатганимиз? У учиб кетаётган бўлади. Ўзи озқиланади, кўзи мўлтираб турган болаларига келтириб беради. Елда тиним бор, унда тиним йўқ. У ерда юрломайди. Бунинг учун оёқлари мослашмаган, қиландиган ишини учиб қилади. Болалари уясидан йўқлиб тушмасин деб оёгини лой билан қотириб қўяди. Учирма бўлиш-


дан олдин ажратиб олади. Буни менга қалдирғочларнинг ҳаётини билладиган нуруний отахон айтиб берганди. Қалдирғоч ҳақида ривоятлар, матал ва мақоллар жуда кўп. Уни кўп жойларда ибрат, намуна сифатида ишлатиб, насихат беришадди. Бу беозор, қони фойда қушни асраб авайлашга ундашади.

Эҳтимол шу сатрларни ёзаётган муаллиф ўз олдига қандай мақсад қўйган, дегувчилар бўлиши тайин. Кейинги пайтларда қалдирғочлар уяни ифлослантиради, бўғотнинг бўёғига зиён етказиши, деган гаплар қулоққа чалиниб қоляпти. Бази бир ҳиссида кимсалар унинг уяларини бузиб ҳам ташлаётганининг гувоҳимиз. Экологик муаммо кўндаланг бўлиб турган айни дамларда бундай ҳолатларни табиатга нисбатан жумгаларнинг деб аташса бўлади. Зарарли ҳашаротларни еб бизга фойда келтираётган қалдирғочга керак бўлса қишлоқ жойларда уянинг тўридан жой бериш керак. Унинг чиқиндисини ерга тушади десангиз, мўъжазидан саватча ёки тахтачани уясининг тагига осиб қўйинг. Бўғотлардан ҳайдаб уяни бузманг! Унинг вижир-вижирларига қулоқ солинг. Бусиз ҳам кейинги пайтларда фойдали қушлардан ажралиб қоляпмиз. Булбулнинг тухумини, полапони олаётган йўқ қилаётганига бефарқ қараймиз, қарангиз унинг чиқётган галлани еб битираётганини кўрамиз, менга нима деб кетаверамиз. Лекин қалдирғочга лоқайд қараб бўлмайди.

## Тақдимот

Миллий матбуот марказида «Ирмоқ» илмий-маърифий журналининг тақдими бўлиб ўтди. Жамиятимиз аъзоларининг илмий салоҳиятини юксалтириш, фуқароларнинг интеллектуал даражасини ошириш каби катта мақсадларни қўзлаган журнал «Шафқ-призма» маъсулларни чекланган жамияти муассислигида чоп этиляпти.

## Илм уммонидан «Ирмоқ»



Жамиятнинг нечоғлики ривожланганини белгилашда фуқароларнинг илмий салоҳияти, интеллектуал даражаси тош босадиган омилилардан бири саналади. Жамият аъзоларининг тафаккур кўламини, ақлий қобилиятини оширишда эса илмий-оммабоқ нашрларнинг ўрни катта. Тўғриси, охириги пайтларда ҳаттоки биз зиёли ҳисобламайдиган қатламнинг ҳам минг бир номдаги «кўча» газеталаридан аста-секин қизиқиши сўнаётганини кўриш мумкин ва бу табиий жараён. Ана шундай вазиятда дунё миқёсида рўй бераётган илмий жараёнларни ёритиладиган, айни пайтда мамлакатимиз илмий доиралари томонидан амалга оширилаётган янгиликларни кенг тарғиб қиладиган, бир сўз билан айтганда, юртдошларимизнинг илмий дунёқарабини кенгайтирадиган, тафаккурини бойитадиган нашрга қўли эҳтиёж бор эди. «Ирмоқ» журнали айни шу ҳаётини эҳтиёж ва заруратдан келиб чиқиб ташкил этилган дейиш мумкин.

Журнал бош муҳаррири Ҳамза Жумаевнинг таъкидлашига қараганда, нашр энг мураккаб технологик жараёнлардан тортиб, энг содда тизимларга — фандаги бутун бир ўзгариш, янгиликларни акс эттиришни мақсад қилган.

Журналнинг илк сонини варақларкансиз, унда берилган материалларнинг барчаси ҳам ўқувчини ўйга, мушоҳадага чорлайдиган мақолалар эканига амин бўласиз. «Нанотехнологиядан нанодунёга», «Мукамал био-зирх», «Сув жавоб беришни билди», «Муқаддас омонат», «Йигирма «ёшли сардор» каби материалларда илм-фандаги муҳим янгиликлар ҳақида ҳикоя қилинади. Эътиборли жиҳати, бир гуруҳ истеъдодли журналистлар ва илмий доира вакилларидан иборат ижодий жамоа материалларни имкон қадар содда ва тушунарли тилда ёзишга ҳаракат қилган.

Азалдан илм-фани уммонга қиёслашди. Ана шу улкан уммондан кичик бир ирмоқ ўлароқ сизиб чиқётган янги журнал жамоаси ўз олдига жуда юксак маслакни қўйган. «Ирмоқ»чилар бу вазифани нечоғлиқ урдалашга муваффақ бўлишган — бунга мутолаа жараёнида ўқувчиларнинг ўзлари баҳо беришлари мумкин.

Зумрад ЛУТФУЛЛАЕВА



Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида тарқатилади

## Воқеа

# Шантаж

куппа-қундузи ва ҳаммининг олдида рўй бермоқда. Бозор мутасаддилари эса ҳозирча жим...

Бу воқеа битта қорхонада ишлайдиган бир эмас, иккита ходимнинг яқинлигида, бир хил усулда ва яна бирин-кетин рўй бергани учун ҳам ёзишга қарор қилдик.



Бундан кўп эмас бир ҳафта бурун оилам «Ипподром»нинг шундоқ биқинида, «Уриқзор»га кетадиган йўлнинг ёқасида жойлашган «чинни» бозорига чиққанда, дейди ходимларимиздан бири. Бозордан чиқиб, таксилар турадиган жойдан сал нарироқда «маршрутка»га ўтирайин деб кетаётса, қаёқдандир пайдо бўлиб қолган 40 ёшлар чамасидаги узун бўйли йигитдан қоғозга ўроғлик бир нарсаси тушиб қолади. Шунда хотиним орқасидан: «Хой ука, ҳужжатингиз тушиб қолди, олинг», дейди. Хотиним ердаги «нарсаси»ни ҳали олишга улгурмасидан қаёқдандир пайдо бўлиб қолган бошқа бир киши уни олади-да, дабдурустдан: «Опа, бўлди қилинг, бўлшамиз», дейди. Хотиним «нарсаси»ни тушириб қўйган кишини яна қақиради. У орқасига қайтиб: «У меники эмас. Мен ҳеч нарсамни йўқотганим йўқ», деб бамайилхотир тайёр турган автобусга чиқиб кетади. «Одам сийрак, бошқа ҳеч ким йўқ эди. «Нарса» аниқ ўша одамдан тушиб қолди», — дейди хотиним. — «Нарса»нинг эгаси кетиб қолганидан кейин боғли киши мени чеккароққа имлаб очиб қўрди, ичиде бир қанча АҚШ доллари бор экан».

«Опа, ҳеч кимга билдирманг, бўлиши оламиз. Сиз буни олинг-да таксига ўтиринг, мен сизнинг орқангиздан бошқа таксиде юраман. Бир-икки «астановка» ўтгандан кейин тушиб, бўлиши оламиз. Мана олинг, 4200 доллар экан. Юз-юздан икки юзини масжидга берамиз, юзини садақа қиламиз, қолганини тенг бўлиши оламиз», дейди. Буни кўрган хотиним кўриб қолади-да, бозор дарвозаси яқинида турган милицияга ишора қилиб ҳозир бориб айтман, дейди. У эса: «Опа унга бўлиб нима қиласиз, бўлмаси турса жойингизни айтинг, мен ўша ерга олиб бораман, бўлиши оламиз», дейди. Хотиним бундай ҳолга ҳеч тушмагани учун кўриб кетади-да, ҳеч кимга айтмай «такси»га ўтириб қочиб қолади. Бўлиб ўтган ушбу

воқеани ишхонамга келиб гапириб берсам, мириқиб қилишди-да, ҳамчунан бири яқинда «Чорсу» бозорига синглиси билан бўлган «воқеа»ни гапириб берди. Унда ҳам дейилган шундай «воқеа» рўй берган. Кетаятса олдидаги киши бўлиши оламиз», дейди.

Синглиси, катта пулни кўриб шошиб қолганидан унга: «Бўпти, қаерда учрашамиз», дейди. У эса: «Бу ер бўлмайди, ишонч тарихида зирагингизни биттасини бериб туринг, бир соатдан кейин сиз айтган қулай жойда учрашамиз», дейди. Синглиси рози бўлиб, сирғасининг битта донасини бериб юборди. Ва уни келишилган жойга бориб кечга яқин кутади. Уларнинг кимлигини ана шундан кейин билиб қолади.

Бозорчиларнинг айтишларича, айни шу усулда бошқача ҳолат ҳам рўй берган. Гуё тасодифан тушиб қолган пулни топган киши бўлиши оламиз» бўлган шўрлик «шериги»га «Манг, олинг, 1200 доллар экан. Мен орқангиздан боравераман. Хув чеккароқда учрашамиз», дейди. Содда шерик ишониб пулни олади. Келишилган жойга бориб очиб кўришса, 1200 эмас 600 қилди. «Қани қолган олти юзи, 1200 эди-ку», деб боғли киши шовқин кўтарди. Шу пайт ердан чиққандек яна икки-уч киши шўрлик бўлиб қолади. Ана энди томошани кураверинг. Боғли шўрлик «шерик» олти юзга қуйиб қолади.

Карта ўйнаб тушибди, қимор ўйнаб қуйибди, деб кўп эшитганмиз. Лекин буниси биз учун мутлақо янгилик эди. Бундай «шантаж» гавжум, пул кўп айланадиган Тошкент бозорларида бот-бот учраб туради экан. Бозорда ишлайдиган бир кишининг айтишича, бу биз ўйлаганчалик янги усул эмас. Қолаверса, бундан бозорчиларнинг даярли ҳаммаси хабардор экан. Ва шундан кейин «шантажчи»ларнинг куппа-қундузи, ҳаммининг олдида бемалол юришгани сабабини аналгандек бўлди...

МУХБИРИМИЗ

## Таассурот

# Дунё гўзаллиги бунда жамулжам

Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида «Тасвирий санъат ҳафталиги» бўлиб ўтди. 21-25 апрель кунлари кўргазмалар зали ичи ва атрофи ижодкорлар ва томошабинлар билан гавжум бўлди. Шунингдек, ҳафталикда тасвирий санъат йўналишига ихтисослашган ўқув юртлири ҳам ўз илд мақсуллари билан иштирокчилар қаторидан жой олди.

Ойнага ишланган суратлар, терига ишланган суратлар, сополга ишланган суратлар, ёғочга ишланган суратлар, матога ишланган суратлар... Қоғозга туширилган суратларнинг-ку йўналишиқо турги кўп. Натюрморт — бу йўналишда яратилган асарларни томоша қилишнинг ўзгача завқи бор. Жаннатий боғларнинг олтин мевалари — беҳитиёр озгингизнинг суви қоचाди. Анорлар суратининг (Йўқ! Булар ҳақиқий анорлар эди чамамда) олдида барча томошабинлар бир тўхтаб ўтпти. Айримлар бир неча дақиқа қадалиб қолган. Одамнинг онг-онига таъсир қилувчи 25-кадр шу эмасмикин? Анорни еётганда шунчалик гўзаллигига эътибор берганмисиз? Гўзаллик ҳам ейилганими ахир? Анорни ейиш эмас, томоша қилиш керак экан!

«Хуррият» ҳамкорларидан Жаҳонгир Мирзо ҳам шу ерда экан. У карикатурчиларнинг кўргазмада қатнашаётган ягона вақили. Жаҳонгир ака чизган карикатураларини энди ясабди: у кўргазмада карикатураларидан ташқари сим, ёғоч каби материал-

лардан «ясалган карикатура»лар билан ҳам қатнашмоқда. Дарҳақиқат шохларига ин қуриб пайпоқ тўқийётган, яъни ота касби қароқчиликни ташлаб халол кун кўраётган ўргимчак, тўқнадан ўсиб чиққан болта... уларда атрофдагиларга ўхшамаслик бор эди, табиийки, бу ҳусусият томошабинларни бефарқ қолдирмади.

Ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, каштачилик, қулчилик, зардўзлик, ҳайкалтарошлик... асарлари кўзни ҳам, дилни ҳам қуватади. Сузаналар — нимадир хис қилдингизми — уларни таърифлашнинг имкони ҳам, бунга ҳоҳат ҳам йўқ. Халқимиз орасида мўъжизалар яратишга қодир шундай одамлар бор-а!

Айтганча, «Тасвирий санъат ҳафталиги»да қатнашмишга қундалиқ ташвишлардан ортиб вақт топа олдингизми-йўқми? Агар кўргазмаларни бориб кўрган бўлсангиз, сиз учун бизнинг таърифу тавсифларимиз бир тийин. Бормаган бўлсангиз, ўзингизни кў-ўп нарсадан бебаҳра қолдирибсиз-да, ватандиш!

Шусиз ҳам, томошабинлар орасида ўзбекларни учратиб қўйин, икки-уч нафар талабадан ташқари. Нега?! Гўзаллик яратишга қодир халқимиз гўзалликдан баҳра олишни билмайдими? Бу энди алоҳида ка-атта мақолага мавзу...

Фаррух ЖАББОРОВ

## Мактуб

# Мен нима дейман-у, кўбизим нима дейди?

Ўйлаб-ўйлаб охири чиқмаган жондан умид деб ана газетамга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Шундан ўзга иложи йўқдай тўлоқди менга. Мутасадди идораларнинг бундан яхши хабари бор. Утган йилнинг сентябрь ойида ҳатто матбуотда бу ҳақда «Қайдан қулоқ чиқармоқ қозончининг ишимиз?!» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган. Лекин адолатли натижа бўлмагани боис «Хуррият»га ёзишга мажбур бўлдим.

Озод АБИДОВ

Газетхонларга тушунарли бўлиши учун бўлаётган воқеани батафсилроқ тушуниришга ҳаракат қиламан. «Урганч тумани МТП» акциядорлик жамиятида 8 йил мобайнида турли лавозимларда ишладим. Ана шу кезларда жамиятнинг 43,56 фоиз акциясини сотиб олдим. Лекин мени номинал қиймати 1000 сумлик акцияларни «Тошкент» фонд биржасидан 1124 сўм ўрнига 3000 сўмга харид қилишда айб-лашиб, ноҳақ судлашмишга бориб етишди. Уша мақоладан сўнг Олий суд ва Бош прокуратурадан жавоб хатлари олдим. Уларнинг иккаласида ҳам менга оид жиноят иши мақолада билдирилган ваҳар асосида текширилгани ҳамда суд қарорлари қонуний ва асосли деб топилгани айтилган. Чунини Олий суд жавобиде «О. Абидов Урганч туман МТП АЖнинг кузатув кенгаши раиси вазифасида иш-

лаб келиб, акциялар номинал қиймати ошганини билган ҳолда, фирибгарлик йўли билан ўзгаларнинг мулкни эгаллаш мақсадида Урганч тумани МТП АЖ акциядорлик жамиятига расолақидан ўтказиш мuddатини атайлаб қўзиб жиноят содир этган», дейилган.

Бош прокуратура жавобиде эса қуйидаги жумлаларни қўйимиз: «О. Абидовнинг ушбу қилмишини содир этганликдаги айби қўздабдики тергов ва судда сўралган даъвогар О. Санаев, П. Аппабеганов, И. Мадридмов, К. Зарипов, К. Худойбергванов, Р. Шомуротов, Ш. Матқаримов ва бошқаларнинг курсатуварли, юзлаштириш, ҳужжатларни олиш ва қўздан кечириб баённомалари, Урганч тумани МТП АЖ акциялари сотилишининг қонунийлиги бўйича ўтказилган текшириш ҳулосаси ва бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган.

Узбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2003 йилги «Ўзбекистон иқтисодийотида ҳусусий секторнинг уллуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3202-сонли Фармонининг 3-бандига мувофиқ, акциядорлик жамиятлари 10.10.2004 йилга қадар ўзларининг уст-тав жағрамаларини 50.000 АҚШ долларидан кам бўлмаган суммага етказишни шартлиги белгиланиб, унинг ижросини таъминлаш Урганч тумани МТП АЖ акциядорларининг 19.04.2003 йилги қарорига асосан О. Абидов раҳбарлик қилган жамиятнинг кузатув кенгашига юклатилган.

Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази етакчи мутахассисининг ҳулосасида жамият кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг умумий йилгили қарори ижроси назорат қилинмаганлиги сабабли ушбу Фармон талаби 01.01.2004 йилга қадар бажарилмасдан қолганлиги қўрсатилган. Мазкур ҳулоса иш бўйича тулган қимматли қозғалар бозори тўғрисида тасдиқланганлиги туфайли суд томонидан ҳукм чиқаришда О. Абидовнинг айбини тасдиқловчи далил сифатида инобатга олинган».

долари тўғрисида умуман сўз юририлмаган. Аксинча, тасдиқланган «биз-нес-режа»ни бажаролмаган ва шартнома шартларини бузган ижроия органи раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш, шартномани бекор қилиш масаласи қўйилган.

Бундан ташқари, Фармон ижросини таъминлаш мuddати 2004 йил 1 майгача узайтирилган. Шунингдек, «Акциядорлик жамиятлари акцияларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва чиқарилган акцияларни бекор қилиш тартиби тўғрисида»ги низомда «Акцияларнинг номинал қийматини ошириш билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни устасга киритиш керак бўлса, ушбу ўзгаришлар киритилгандан сўнг у ойдан кечикмасдан, мазкур низомда белгиланган тартибда рўйхатга олувчи органга акциялар чиқаришни давлат рўйхатига олиш учун ҳужжатларни Қимматли қозғалар марказига тақдим қилиши шарт», деб белгилаб қўйилган. Демак, жамият раҳбарияти ҳужжатларни ушбу марказга 2004 йилнинг 19 мартига топшириш имкониятига эга бўлган.

Эътибор қиладиган бўлсак, тегишли ҳужжатлар 2003 йил 21 декабрда, аниқроқ, белгиланган мuddат ичиде Қимматли қозғалар марказига тақдим этилган. Янги эмиссия расолақ, яъни акциялар номинал қиймати оширилиши тўғрисидаги асосий ҳужжат 2004 йил 19 январда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Давоми 2-бетда.



# Мен нима дейман-у, кўбизим нима дейди?

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Яна бир гап: "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари химоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасида "Жамият устави фонднинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган микдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим", деб аниқ кўрсатилган.

Бинобарин, жамият ўз устав фонди микдорини бухгалтерия балансида янги эмиссия рисоласи давлат рўйхатидан ўтқазган кейин бир йил ичида — 2005 йил 19 январьга жамият уставида кўрсатилган 71730,8 минг сўмгача ошириши мумкин бўлган. Бундан кўринадики, менга кўйилган "эмиссия рисоласини давлат рўйхатидан ўтказиш муддатини атайлаб чўзган" деган аниқ ҳақиқатга тўғри келмайди. "Ургач тумани МТП" ОАЖ МТП билан шартнома тизимида қорхона ичида биринчи бўлиб номинанли ошириш жараёнини тугаллаб, янги эмиссия рисоласини давлат рўйхатидан ўтқазган. Бу ҳақда Қимматли қозғолар маркази ва Марказий депозитарий маълумотлари мавжуд.

Воқеа ҳолатига баҳо берадиган асосий ҳужжатлардан яна бири — бухгалтерия балансида 1 донга акциянинг 2004 йил 1 январь ҳолатига баланс қиймати 741 сўми, 1 октябрь ҳолатига 1000 сўми ташкил этиши ҳақидаги ҳужжатдир. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 37-моддасида "Жамиятнинг акциядорига ҳақ тўлаш бозор қийматига амалга оширилади", 46-моддасида эса "Қийматни аниқлаш талаб қилинаётган мол-мулк акция ёки бошқа қимматли қозғолардан иборат бўлиб, уларнинг сотиб олиш нархи ёки талаб нархи ҳамда тақлиф нархи матбуотда мунтазам эълон қилиб турилган бўлса, мазкур мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун ана шу сотиб олиш нархи ёки талаб ва тақлиф нархи эътиборга олиниши лозим" дейилган. Судда қонуннинг бу талаблари эътиборга олинмаган.

"Қимматли қозғолар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази" томонидан 2004 йил 25 майда, 2005 йил 11 июлда ва 17 октябрда, худудий бошқармаси томонидан 2006 йил 28 апрелда. Давлат мулки қўмитаси томонидан 2006 йил 30 майда, 12 июнда ва яна худудий бошқарма томонидан 2005 йил 3 июнда бир неча ижобий хулосалар берилган. Шунингдек, дастлабки тер-

гов жараёнида марказ мутахассиси ишдаги ҳужжатлар билан таништирилган. У собиқ акциядорлар билан учрашиб, улардан тушунтириш хатлари олган ҳолда 2005 йил 25 ноябрда яна хулоса тақдим қилган ва бу ҳужжатлар жиноят ишига қўйилган. Хулосаларнинг барчасида мен томонидан акциялар қонуний сотиб олингани ва 3202-сонли Фармон бузилмаганлиги қайд этилган. Бироқ бу хулосалар судда далил сифатида эътироф қилинмаган, ўқиб эшиттирилмаган, жила курс, рад қилинмаган. Аксинча, айблов хулосасида, суд ҳукмида ва акримиди "О. Абидовнинг айби қимматли қозғолар маркази мутахассислари хулосалари билан тасдиқлангани", деб негизди тескари талқин этилган. Жамиятнинг амалдаги эмиссия рисоласи ва бухгалтерия баланслари шахсан тақдим қилинган бўлса-да, далил сифатида жиноят ишига қўйилмаган. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида эса "Қимматли қозғолар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида эса "Қимматли қозғолар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш мақсадида давлат рўйхатидан ўтмаган ва эмиссия тўхтатилган қимматли қозғоларнинг муомаласида чиқариш, реклама қилиш ва тақлиф қилиш тақиқланади" дейилган. Адлия вазирлигида 2003 йил 12 ноябрда рўйхатга олинган "Акциядорлик жамиятлари акцияларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва чиқарилган акцияларни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низоми"нинг 4-бандида "Давлат томонидан рўйхатга олинмаган, шунингдек, эмиссияси тўхтатиб қўйилган акцияларнинг муомаласида чиқариш, реклама қилиш ва тақлиф қилиш манъ этилади", деб қатъий белгилаб қўйилган бўлса, мен қандай қилиб айбор бўлишим мумкин?

Бундан ташқари, Қимматли қозғолар марказининг 2006 йил 4 декабрдаги хулосасида 3202-сонли Фармоннинг бажарилгани буйича меннинг ҳаракатларим марказ мутахассислари томонидан қонуний деб топилгани билдирилган. 2005 йил 25 ноябрда терговчи С. Собиров сўровига ҳам марказ мутахассислари худди шундай жавоб беришган.

Қимматли қозғолар маркази томонидан мазкур акциялар олди-сотди-сини амалга оширишда ва 3202-сонли Фармоннинг бажарилганлигида қонунбузарлик аниқланмагани тўғрисида 8 марта қайта-қайта депозитарийларга қимматли қозғолар билан фонд биржасида амалга оширилган битимлар тўғрисидаги устидан назорат қилиш ва қонунийлиги буйича хулоса берилгани қатъий ойдинлик киритмайдими?

Ҳуқуқимиз ҳақон микёсида мисли қурилмаган амалиётни қўллаётган, паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган қорхоналарнинг инвесторларга инвестиция киритиш шарт билан бегул бераётган бир пайда, 1000 сўмлик акцияни 3000 сўмдан сотиб олган, қорхонани молиявий соғломлаштириш ва таркибий ўзлаштириш буйича баҳоли қудрат хисса қўшишни ният қилган ва хисса қўшаётган бир кишини жиноят қилишда айблов адолатдан бўлармикини?

Хусусийлаштирилган қорхоналар ўз ҳуқуқий эгасини топмас экан, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил январида ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни бажариш, жумладан, хусусийлаштирилган қорхоналарда корпоратив бошқарув, биринчи навбатда, қузатув кенгашлари самарадорлигини ошириш, иқтисодий эркинлаштириш ва ҳусусий секторнинг уллуғини ошириш масаласи кун тартибидан қўндаланган бўлиб қолаверадими.

1-моддасида "Эмиссия рисоласи давлат рўйхатидан ўтмаган қимматли қозғоларни оммавий ахборот воситаларида реклама қилиш тақиқланади", "Қимматли қозғолар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида эса "Қимматли қозғолар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш мақсадида давлат рўйхатидан ўтмаган ва эмиссия тўхтатилган қимматли қозғоларнинг муомаласида чиқариш, реклама қилиш ва тақлиф қилиш тақиқланади" дейилган. Адлия вазирлигида 2003 йил 12 ноябрда рўйхатга олинган "Акциядорлик жамиятлари акцияларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва чиқарилган акцияларни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низоми"нинг 4-бандида "Давлат томонидан рўйхатга олинмаган, шунингдек, эмиссияси тўхтатиб қўйилган акцияларнинг муомаласида чиқариш, реклама қилиш ва тақлиф қилиш манъ этилади", деб қатъий белгилаб қўйилган бўлса, мен қандай қилиб айбор бўлишим мумкин?

Бундан ташқари, Қимматли қозғолар марказининг 2006 йил 4 декабрдаги хулосасида 3202-сонли Фармоннинг бажарилгани буйича меннинг ҳаракатларим марказ мутахассислари томонидан қонуний деб топилгани билдирилган. 2005 йил 25 ноябрда терговчи С. Собиров сўровига ҳам марказ мутахассислари худди шундай жавоб беришган.

Қимматли қозғолар маркази томонидан мазкур акциялар олди-сотди-сини амалга оширишда ва 3202-сонли Фармоннинг бажарилганлигида қонунбузарлик аниқланмагани тўғрисида 8 марта қайта-қайта депозитарийларга қимматли қозғолар билан фонд биржасида амалга оширилган битимлар тўғрисидаги устидан назорат қилиш ва қонунийлиги буйича хулоса берилгани қатъий ойдинлик киритмайдими?

Ҳуқуқимиз ҳақон микёсида мисли қурилмаган амалиётни қўллаётган, паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган қорхоналарнинг инвесторларга инвестиция киритиш шарт билан бегул бераётган бир пайда, 1000 сўмлик акцияни 3000 сўмдан сотиб олган, қорхонани молиявий соғломлаштириш ва таркибий ўзлаштириш буйича баҳоли қудрат хисса қўшишни ният қилган ва хисса қўшаётган бир кишини жиноят қилишда айблов адолатдан бўлармикини?

Хусусийлаштирилган қорхоналар ўз ҳуқуқий эгасини топмас экан, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил январида ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни бажариш, жумладан, хусусийлаштирилган қорхоналарда корпоратив бошқарув, биринчи навбатда, қузатув кенгашлари самарадорлигини ошириш, иқтисодий эркинлаштириш ва ҳусусий секторнинг уллуғини ошириш масаласи кун тартибидан қўндаланган бўлиб қолаверадими.

## Таққос

**Мустақиллик неъматлари ичида энг улугларидан бири бу жамиятимизда инсон ҳуқуқи ва манфаатлари устуворлиги тамойилининг мустақамланиши бўлди. Ҳар қандай демократик жамият барпо этиш йўлида бораётган давлатларда инсон олий қадрини саналиб, унинг ҳуқуқи ва манфаатлари устувор бўлади. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг беш мақсади ҳам инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган.**

Дилшод АХМЕДОВ

Шунингдек, мазкур ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг беш мақсади ҳам инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган. Президентимиз таъкидлаганидек, инсон манфаатлари барча нарсадан устундир. Мамлакатимизда маҳкумларнинг ҳуқуқлари "Жиноят-ижроия" қонуни билан тартибга солинган бўлиб, ушбу қонуннинг асосий вазифаси жазо ижросини таъминлаш, маҳкумлар ахлоқини тузатиш, жиноятчиликни сўзлаштиришнинг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилишдан иборат.

Ҳуқуқшунос олима М.Муқимова ёзганидек, ҳар хил тузумдаги турли ҳуқуқлар тизимини солиштириб ўрганиш, энг аввало, қонунчиликни такомиллаштириш ва ривожлантиришда муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Биз бу борада хоржий мамлакатлардаги маҳкумларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ўрганиш, ўзига хосликни қўришимиз мумкин.

**Германия** давлатига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда жиний жазоларни ўташ тартиби ва шарафлари "Жазоларни ижро этиш" федерал қонуни билан тартибга солинади. Нафақахўр ва ногиронлардан ташқари барча маҳбуслар меҳнатга жалб этилишлари лозим. Лекин нафақахўр ва ногиронлар ҳам ўз хоҳишларига кўра меҳнатга жалб этилиши мумкин. Шунингдек, маҳбуслар иш ҳақи ва уч ҳафталик таътил олиш ҳуқуқига эга. Агарда маҳбус ёпиқ бино ичида ишлаётган бўлса, у ҳолда ҳар куни камиди муддати 1 соатлик бўлган очик ҳавода сайр қилиш ҳуқуқига эга. Маҳбус камқорда ишлаб топган ёки ташқаридан келган пуллари озиқ-овқат, кийим, пойабзал, шахсий гигиена

# Маҳкумда ҳам ҳуқуқ бор қаерда, қандай?

на буюмлари, китоб, газета ва журналлар учун сарфлаши мумкин.

Ҳазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ушбу буюмларни ўз худудида сойтишни ташкиллаштириши ёки уларга буюртма бериши имкониятини яратиб бериши лозим.

Маҳбус ўз шахсий буюмлари ва китобларини камерасида белгиланган микдорда сақлаши мумкин. Қонун буйича ҳар бир маҳбус оёғига бир марта бир соатлик учрашув, шунингдек, шахсий ёзишма ва телефон орқали сўзлашув ҳуқуқига эга. Хат ёзиш микдори қонун билан чекланмаган бўлиб, адвокат ва ҳокимият вакилларига юбориладиган хатлардан ташқари си танлаб текширилиши мумкин. Телефон сўзлашувлари жазони ижро этиш муассасаси раҳбарининг санкцияси билан тингланиши мумкин, лекин бу ҳақда маҳбус ва унинг ҳамсухбатига оғохлантирилиши лозим.

Ҳар бир олмон қамоғида жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун шараф яратиши, кутубхона ташкиллаштирилиши ва ишдан холи вақтларда бошқа турдаги машғулотлар билан шуғулланиш учун бинолар ажратилиши лозим. Маҳбуслар телевизор кўриши ва радиодуштинришлар тинглаш ҳуқуқига эга, бироқ ёмон хулқ-атворда бўлса, улардан маҳрум этилиши мумкин. Йилига бир марта муассаса маъмуриятининг рухсати билан маҳбус 7 суткага қамоқни тарк этиши мумкин.

**Нидерландия**да қамоқхоналар Адлия вазирлиги қошидаги қайта тарбиялаш муассасаси миллий агентлиги фақатгина жазони ижро этиш муассасаси раҳбарининг рухсати билан амалга оширилади. Адвокат билан бўладиган суҳбатдан ташқари барча телефон сўзлашувлари эшитиб турилади. Хат ёзишмалари чекланмаган, лекин улар текширилиши мумкин. Адвокат, конгрессменлар, дипломатлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш

ҳафталик ишлаб топилган маблағ маҳбуснинг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади. Маҳбуслар ўзида 10 еврогача нақд пул сақлашга рухсат этилган. Шунингдек, ўз камерасида гигиена буюмлари, радио, телевизор, кофеайнатич ва шафтофл-пластик идишлар сақлашга рухсат берилган. Телевизорлар ва радиотехника қамоқ прокат пунктида ижарага берилади.

Ҳамма маҳбуслар ҳафтасига бир марта қузатувда иштирокида 1 соатлик учрашув ҳуқуқига эга. Яхши хулқ-атворда бўлган маҳбуслар ҳафталик учрашувлар ўрнига ойда бир марта гувоҳларнинг иштирокида узоқ муддатли алоҳида хонада бўладиган учрашувга алмаштирилишига рухсат этилади.

**АҚШ**да озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуқуқлари федерал қонунлар ва Федерал қамоқ бюросининг қондалари билан тартибга солинади. Меҳнатга лаёқатли маҳбуслар мажбурий ишга жалб этилиши ва бажарилган иш учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Иш ҳақи микдори 1 соат учун 0,20 дан 1,5 долларгача қилиб белгиланган. Ишлаб топилган маблағлар қамоқхонанинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилиб, уни озиқ-овқат, кийим, пойабзал, шахсий гигиена буюмлари ҳамда турли наشرларга обуна бўлиш учун сарфлаш мумкин.

Федерал қамоқ бюросининг стандартига кўра, маҳбуслар қамоқ ошқонасида овқат танлаш ҳуқуқига эга (қамоқ икки туридан бири).

Штатдан ташқарига қилинаётган текин телефон кўнгиноқлари фақатгина жазони ижро этиш муассасаси раҳбарининг рухсати билан амалга оширилади. Адвокат билан бўладиган суҳбатдан ташқари барча телефон сўзлашувлари эшитиб турилади. Хат ёзишмалари чекланмаган, лекин улар текширилиши мумкин. Адвокат, конгрессменлар, дипломатлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш

органлари билан бўлади. Эзишмалар дахлсизлиги қафолатланган.

Маҳбуслар ҳар куни муддати 1,5 соатлик сайр қилиш ва ҳафтасига бир марталик учрашув ҳуқуқига эга. Калифорния, Коннектикут, Миссисипи, Нью-Йорк ва Вашингтон штатларида маҳбуслар ўз умр йўлдошлари билан гувоҳларнинг иштирокида алоҳида хонада учрашувга рухсат этилган.

Федерал қамоқ бюросининг қондалари билан, биноларни жиҳозлаш, шунингдек, ишдан холи вақтларда маҳбуслар учун спорт зали, ўйин майдонлари ва кутубхоналарда бўлиш учун қулай шaroит яратиб берилиши назарда тутилган. Шунингдек, текинга инглиз тили ўрганиш ва ўрта махсус маълумотига эга бўлиш имконияти яратилган.

**Япония** давлатида жазони ижро этиш муассасалари фаолияти 1908 йилда қабул қилинган Адлия вазирлиги томонидан кўп бўлган ўзгаришлар ва қўлланмалар киритилган қонун орқали тартибга солинади. Давлат органлари ва шу ҳақда ишловчи шахсларнинг истисно қилган ҳолда ушбу қонун билан танишиш имконияти чекланган.

Маҳбуслар оёғига бир марта умр йўлдоши ва яқин қариндошлари билан учрашиш ҳуқуқига эга. Учрашув қузатувчи иштирокида бўлади. Ва маҳбуслар билан жисмоний ақинликда бўлишга йўл қўйилмайди. Адвокат ва яқин қариндошлари билан бўладиган ёзишмаларга рухсат этилган. Ҳамма хатлар текширилади, шунингдек, айрим хатлар сабаби тушунтирилмасдан манзилига юборилмаслиги мумкин. Бўш вақтларда маҳбуслар ўқиш, ёзиш, телевизор кўриш ва радио эшитиш ҳуқуқига эга. Ҳафтасига 3 марта ярим соатлик сайр қилишга рухсат этилган.

Бундан ташқари, маҳбусларнинг ҳаққондорлиги ва ҳаққондорлиги аниқлашга йўл қўйилмайди. Адвокат ва яқин қариндошлари билан бўладиган ёзишмаларга рухсат этилган. Ҳамма хатлар текширилади, шунингдек, айрим хатлар сабаби тушунтирилмасдан манзилига юборилмаслиги мумкин. Бўш вақтларда маҳбуслар ўқиш, ёзиш, телевизор кўриш ва радио эшитиш ҳуқуқига эга. Ҳафтасига 3 марта ярим соатлик сайр қилишга рухсат этилган.

Бундан ташқари, маҳбусларнинг ҳаққондорлиги ва ҳаққондорлиги аниқлашга йўл қўйилмайди. Адвокат ва яқин қариндошлари билан бўладиган ёзишмаларга рухсат этилган. Ҳамма хатлар текширилади, шунингдек, айрим хатлар сабаби тушунтирилмасдан манзилига юборилмаслиги мумкин. Бўш вақтларда маҳбуслар ўқиш, ёзиш, телевизор кўриш ва радио эшитиш ҳуқуқига эга. Ҳафтасига 3 марта ярим соатлик сайр қилишга рухсат этилган.



Раҳбар юқори лавозимга тайинланганда... ..ишдан кетганда.

## Мудоҳаза

# Сўкиниш маданият...ми? Қизлар эркакча сўкинишни урф қилмоқда

Йўлда бораётган шовқин-сурон солиб келаётган бир тўда ўқувчи ўғил-қизларгача келдим. Уларга яқинроқ келганимда шовқин-суроннинг сабаби аниқ бўлди. Тахминан 6-синфларда ўқийдиган икки ўғил бола бир-бирини беаъв ҳақорат қилмоқда. Ҳақоратнинг тилга олиб бўлмас барча найзалари уйда фарзандларини кутиб ўтирган оналарга санчылмоқда.

турган 4-5 ёш чамасидаги 2 ўғил болага эркакча сўкиниш ўргатишарди. Укаларидир, эҳтимол қўшинининг болаларидир, бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Аҳамиятлиси шуки, бир-икки йил ўтиб турмуш кураман деган, келинликни орзу қилган, бир куни келиб ўзлари фарзандли бўлиб, бола тарбиялайдиган ўзбек қизларининг қилаётган ишларини ақлимга сиғдира олмадим.

Хўш, нега шундай бўлмоқда? Матбуотимиз, телевидение ва радио, турли-туман мажлиси йилгилиларда маънавиятимизнинг нақадар юқорига кўтарилаётгани ҳақида хабар, лавҳаю маърузаларни тинмай кўриб, эшитиб юрганганимизга қарамай, маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган ўзаро муносабатлардаги муомаламизнинг шу даражага тушиб қолишига сабаб нима? Биламан, мақолани ўқиб, ўзаро муҳокама қилганлар, бири оилани, бири мактабни, айбор ҳисоблай бошлайдими. Мен буларни инкор қилмаган ҳолда, асосий айбор биз катта ёшдагилар деб айтган бўлар эдим. Агар ишонмасангиз иста-

бошқа жойда ўзимизни ўша даражада "қолип"дан ташқари тутсақ, қилаётган ҳамма "тоатибодат"ларимизнинг баҳоси бир пул.

Бугунги кунда маънавиятимиздан лоф ураётганлар ушбу сўзга турли-туман изоҳлар беришади. Аммо, мен уларнинг бирортасида ушбу сўзнинг асл маъносини тўғри тушунтириб беришганини кўрмадим.

"Маънавият" сўзининг ўзаги "маъно" экан, ҳар бир сўзимиз, ҳаракатимиз, одамларга қилаётган муомаламиз ва муносабатимиздан қандай маъно чиқши бизнинг маънавиятимизни белгилайдиган мезондир. Агар ота-она, фарзандига тўғрилиқни, ҳалолликни оғизда ўргатиб, амалда ўзи шу шундай ақсини қилса, билингни, бундай фарзанднинг келажакдан яхши нарса кутиб бўлмайди.

Агар раҳбар кўл остидагиларидан, ҳалоллик ва одилликни талаб қилса-ю, ўзи унинг қўлига қараб турса, фаолиятида жамоа ва жамиятнинг манфаатини эмас, шахсий ёки ўз яқинлари манфаатини биринчи қўлга қўйса, билингни, бундай шахс маънавиятнинг кўчасидан ҳам ўтмайди.

Агар ўқитувчи ҳар бир дарсда одиллик, тўғрилиқдан сабоқ берса-ю, ўзи шунга риоя қилмаса, унинг сабоғи маънавиятсизликдан ўзга нарса эмас. Ҳар бир шахс ўз турмуши давомида китобий маънавиятдан эмас, ҳаётий маънавиятдан кўпроқ сабоқ олади. Бу сабоқни эса биз катталар, фақат йилгилиш маъракаларда эмас, дарсу тadbирларда эмас, балки ҳар қадам, ҳар сонияда берсақини, ишларимизнинг натижаси бўлади — ёшимизнинг маънавиятида ижобий ўзгаришга эришамиз.

## Ишқибоз

# Жамоатчи мухбирнинг хоббиси

**Абдуқаҳҳор Ҳамроқуловнинг номи жамоатчи мухбир сифатида кўпчилик яхши танийди. У қишлоқ фуқаролар йилгисининг раиси вазифасини бажариш билан бирга қишлоқ ва тумандаги ўзгаришлар, ислохотлар самараси ҳақида, ҳаётнинг мураккаб ва турмуш тарзи хусусида туман, вилоят ва республика газеталарига мақолалар ёзиб туради.**

Унинг хоббиси ҳам ОАВ билан боғлиқ. А. Ҳамроқулов ўзи яшаб турган Найман қишлоғи ва унинг меҳнаткаш

одамлари ҳақида чоп этилган мақолаларни қолдирмай тўплаб, махсус альбомга ёпиштириб боради. Ҳозиргача у тўплаган катта-кичик мақолалар мингдан ортиқ бўлиб, тўртта альбомдан жой олган. Альбомлардаги мақолаларни ўқиган киши ярим асприк ҳаёт моҳияти билан танишиб, республикамиз мустақилликка эришган йиллардаги ўзгаришларнинг шохиди бўлади.

Топилжон ЖАЛОЛОВ, Андижон

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ёғи жадвалга ўтди.

Ўз саяхатингизни янги жадвал бўйича режа таштириш!

2007 йил 17 майдан

**Тошкент-Нью-Йорк-Тошкент (Рига орқали)**

Йўналиши бўйича қўшимча қатнов йўлга қўйилди.

Қатновлар ҳафтасига икки марта: якшанба кунлари (қайтиш - душанба кунлари) ва пайшанба кунлари (қайташ - жума кунлари)

Шунингдек, 7 майдан **Истанбулга** қатновлар сони оширилиб, ҳафтасига 4 мартага етказилди.

Барча қатновлар биринчи, бизнес ва иқтисод классида хизмат кўрсатиладиган Бошиг рўсуמידан самолётларда бажарилади.

Маълумот учун телефонлар: (998 71) 140-02-00

www.uzairways.com



Дараклар

Hyundai Россияда янги завод қурмоқчи

Жанубий Кореянинг Hyundai компанияси Россия иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлигига хат билан мурожаат қилган. Мақтубда агар компания Россияда автомобиль заводи қурса, унга қандай имтиёзлар берилиши мумкинлиги тўғрисида ахборот сўралган.




Hyundai вакилининг сўзларига кўра, компания айти пайтда Россияда ўз бизнесини кенгайтириш имкониятларини ўрганапти.

Айтиш керакки, ҳозирда Hyundai машиналари Россияда махсус лицензия билан ишлаб чиқарилади. Мутахассислар фикрига кўра, концерн лицензия асосида эски моделларни ишлаб чиқаришни ҳам давом эттиради. Янги куриладиган заводда эса энг сўнгги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйлади.

Россия қўнучилигига мувофиқ, Hyundai автомобиль заводи бунёд этар экан, эҳтиёт қисмларни олиб кириш бўйича боғжона имтиёзларига эга бўлади. Шу билан бирга концерн ишлаб чиқарилаётган автомобилларда Россияда тайёрланган эҳтиёт қисмлар улушини ҳам ошириб бориши шарт.

Ислом олими бирликка чақиради

Ислом оламининг маркази саналган Масжид-у-л-ҳаром имоми Абдураҳмон ас-Судайс жаҳон мусулмонларини бирлик ва аҳилликка чақиради. Бутун дунёга соҳир овозли қори ва етук олим сифатида танилган шайх сунний ва шиа тарзида ягона миллатни ажратишга ҳаракат қилаётган кучларнинг таъсирига тушиб қилиш турли фитналарга йўл очиб беришни таъкидлади.




Айни пайтда дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жусусан, Ироқда сунний-шиа тарзидаги ихтилофлар кучайиб кетганини кўриш мумкин. Диний асосда низолар туфайли ҳар кун ўнлаб беғуноҳ инсонлар қурбон бўлапти.

Ана шу салбий ҳолатдан эҳтиёт бўлишга чақирган Абдураҳмон Судайс ислом динини турли фирқаларга бўлиш, сунний-шиа каби ихтилофларни кучайтириш ҳаракатини секин ҳаракатланувчи бомбага қиёслади.

Шу билан бирга шайх ас-Судайс Саудия подшоҳи Абдуллоҳ ташаббуси билан Фахландидаги ФАТХ ва ХА-МАС вакиллари яраштириш борасида олиб борилаётган музокараларни ижобий баҳолади. Мусулмонларнинг муқаддас масжиди имоми Судан, Сомали, Ливандаги қонли тўқнашулар ҳам тўхташи, низолар тинч йўл билан ҳал бўлишига умид билдирди.

Shell ниҳоят Ироқ газига етишди

Shell компанияси Ироқнинг Курдистон ҳудудига табиий газ қазиб олиш бўйича битим имзолашга муваффақ бўлди. Хабарларга қараганда, мазкур йирик лойиҳада Туркия давлат нефть-газ компанияси (ТРАО) ҳам иштирок этади.




Битимга мувофиқ, янги лойиҳа бой захираларга эга бўлган Ироқнинг Киркук ва Туркиянинг Жайхан портини бирлаштирилади. Ҳозирча Shell вакиллари мазкур лойиҳа ҳақида тўлиқ маълумот беришмаган. Бирок мутахассислар кам ўрғанилган ҳудуд саналган Курдистондан 45 миллиард баррелгача нефть ва 30 триллион кубометргача газ қазиб олиш мумкинлигини тахмин қилишляпти.

Айни пайтда Курдистон конларини ўрганиш ва ўзлаштириш ишларида Shell ва ТРАОдан ташқари Genel Enerji (Туркия), DNO (Норвегия) каби компаниялар ҳам иштирок этишляпти.

Ҳудудда жуда катта ўзлаштириш ишларини бошлашга имкон бериувчи битим Ироқ ҳукумати тасдиқлаганидан кейин кучга қиради.

Пегас сайёрасида ҳаёт бўлганми?

Астрономлар тарихда илк бор Кўёш тизимига кирувчи сайёрада сув борлигини кашф этишди. Бугундан сув аломати Америка олимлари томонидан HD 209458b сайёрасида қайд этилган. Юпитер кўринишига яқин бўлган сайёрада сув топилгани олимларнинг тахминларини тасдиқлади.



Ҳозирга қадар фазо тадқиқотчилари аксарият сайёраларда сув бўлиши мумкинлигини тахмин қилиб келишарди. HD 209458b сайёраси Ердан 150 ёруғлик йилли масофада Пегас юлдуз туркумида жойлашган.

Сайёраларда сувнинг мавжудлиги масаласи олимларнинг жиддий тадқиқотларига сабаб бўлаётгани бежиз эмас. Чунки сувнинг мавжудлиги ўша ҳудудда органик ҳаёт борлигини ҳам англайди.

Марадона руҳий касалхонада даволанади

Машҳур футбол юлдузи Диего Марадона яқин кунларда руҳий касалликлар шифохонасига ётқизилди. Бу ҳақда спортчининг шахсий шифокори Альфредо Каз хабар берган.



Охириги йилларда тушқунлик ҳолатига тушиб қолган Марадона ичкиликбозликка берилиб кетди. Казнинг сўзларига кўра, руҳий шифохонада биринчи навбатда аргентиналик юлдузини айтиш шубҳали қаратилади.

Эслатиб ўтамиз, Марадона бундан бир муддат олдин ички азъолардаги касаллик туфайли шифохонага ётқизилган. Бунга қадар ҳам машҳур юлдуз Буэнос-Айресдаги марказий клиникада икки ҳафта даволаниб чиққанди. Хуллас, бир замонар бутун дунёни лол қолдирган спортчи бугун шифокорларнинг доимий миҳозига айланган қолган.

Тиббий эҳтиётини айтишига қараганда, жуда кўп миқдорда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва меъёрдан ошқ чеккиш натижасида афсонавий футболчининг ички азъолари қаттиқ касалланган. Гарчи шифокорлар томонидан муолажа олиб борилаётган бўлса-да, ҳар доим ҳам қайсар ва инжиқлиги билан танилган Марадона уларнинг маслаҳат ва тавсияларига амал қилмапти. Бу эса барча ҳаракатларни чиппака чикарапти.

Нигоҳ

Мағлубиятни унутиб бўлмайди

Аргентина орадан чорак аср ўтса-да, Фолкленд уруши аламини эсдан чиқара олмаяпти

Буюк Британия ва Аргентина ўртасида бундан ронпа-роса 25 йил аввал пайдо бўлган мурасислик ҳалигача тарқаган эмас. Албатта, уруш, қон тўкилишлар билан тарихга кирган ҳодисани шунчаки мурасислик дейиш ҳам адолатдан эмас. Ушанда икки давлат ўртасида ҳақиқий маънодаги жанг — қиргинбарот юз берган эди.

Собиржон ЁҚУБОВ

Аргентинанинг шундоққина биқинида — Атлантика океани ҳудудига жойлашган Фолкленд (Мальвин) ороли қуролли ихтилофнинг бош омили бўлган эди.

1982 йилнинг март ойи охирида Аргентинанинг фуқаро кийимидоги махсус хизмати вакиллари Буюк Британия тасарруфидоги Фолкленд оролига кириб келишди. Улар зиммасига оролни назорат қилиб турган инглиз ҳарбийлари билан низо чиқариш вазифаси топширилганди.

Давлат тўнтарыши билан Аргентинада ҳокимиятини эгаллаган Леопольдо Галтиери бошлар ҳарбийлар мамлакатнинг тарихий мулки деб ҳисобланадиган оролни қуролли йўл билан эгаллашни мақсад қилишган эди. Режалар белгилангандан зияда амалга ошди. Қўтилган инглиз ва аргентиналик ҳарбийлар ўртасида қуролли тўқнашув бошланди.

Орол ҳудудига оз сонли инглиз ҳарбий бўлими Аргентинанинг сараланган махсус гвардиясига қарши чиқа олмас эди. Аргентинада ҳарбий яккахоқимлик (хунта) ўрнатган Леопольдо Галтиери ҳам ана шунга ишонган, яъни Буюк Британиянинг илғор қисмлари Лондонда — оролдан анча узоқда бўлганидан фойдаланиб, ҳудудни осонлик билан эгаллашни мақсад қилган эди.

Аргентинанинг Фолкленд уруш орқали қайтариб олишга таваккалчилик билан қўл ургани бежиз эмас эди. Айни ўша йилларда орол ҳудудидан жуда катта миқдорда нефть захираси топилганди. Қолаверса, ҳудуд Атлантика ва Тинч океанини боғловчи халқа сифатида ҳам ўта муҳим стра-



тегик аҳамиятга эга эди. Энг асосийси, Аргентина ҳокимиятини эгаллаб, оз фурсат ичида ўн минглаб одамларни қатғон қилган ҳарбий диктатура учун жуда катта галаба керак эди.

Галаба бўлганда ҳам, зулм-тўрвонликдан сабр қосаси тўлган халқнинг норози-лигини босиб кетадиган зафар лозим эди.

Аргентина диктаторининг омадсизлигини қарангки, 1980-йилларда Буюк Британия ҳукумати "темир хоним" номи билан шунга қозонган Маргарет Тэтчер бошқарар эди. Консерваторлар етакчилиги Фолкленд оролига Аргентина ҳужум қилганини эшитган захоти иккилашиб ўтирмадан у ерга жуда катта ҳарбий кўшин жўнатди. Бу ўринда Буюк Британия — асрлар давунида дунёнинг биринчи мусламлақачи империяси бўлган қиролликдан бошқа давлат бўлганда, эҳтимолки, бор-йўғи 12 минг 170 кв. км. лик орол учун жон қуйдириб ҳам ўтирмаган бўлармики? Бирок катта сиёсатда чўртқесар, қайсар ва қироллик манфаатларининг фаол ҳимоячиси сифатида ном қозонган М. Тэтчер Аргентинага қарши 28 минг аскар ва 110 ҳарбий кемадан иборат бутун бошли армияни сафарбар қилди.

Фолкленд ороли учун жанг 1982 йилнинг 2 апрелидан 14 июнигача — 74 кун давом этди. 900 киши қурбон бўлган жанг билан Аргентинанинг таслим бўлиш тўғрисидаги таклифи билан яқунланди.

Уруш ҳар икки томон учун катта йўқотишлар келтирди. Британ қироллиги ҳарбий ҳаракат учун 1,6 миллиард фунт стерлинг маблағ сарфлади, жанг пайтида 258 инглиз аскари ҳалок бўлди. Бирок барибир урушда мағлуб томоннинг талафотлари голиб

қолди. Кимга тўй, кимга аза. Фолкленд урушидаги галаба Маргарет Тэтчер хонимга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Орадан бир йил кейин ўтган сайловда темир хоним раҳбарлигидаги консерваторлар яна бир муддатга ҳукумат тепасида қолиш имконини кўлга киритишди.

Тўғриси, Маргарет Тэтчер томонидан Фолклендни сақлаб қолиш йўлида жуда катта ҳарбий амалиёт ўтказилгани мувоҳабларнинг кескин таъкидларига сабаб бўлди. Чунки мўъжазгина орол учун қирол-

лик йиллик даромадининг салмоқли қисми сарфлаб юборилган эди. Бирок орадан йиллар ўтиб, аслида сиёсат ва маблақат бўрси учун олиб борилган уруш ортида катта иқтисодий манфаат ҳам борлиги аён бўляпти.

Айни пайтда нефть саноати билан бирга балиқчилик ҳам ривожланган Фолкленд ороли қироллик газнасига миллиардлаб фунт даромад келтиради. Бир замонар Англия ва Шотландиядан сургун қилинган жиноятчилар мақони бўлган орол бугун дунё микёсида ақил жон бошига тўғри келадиган даромад борасида ҳам энг олдинги ўринларда туради (50 минг доллар).

Бундан чорак аср олдин рўй берган тўқнашулар ҳали ҳам Лондон ва Буэнос-Айрес муносабатларига соя солиб турибди. Голиб одатда барибир бағри кенроқ бўлишга ҳаракат қилади. Инглиз ҳукумати ҳам Аргентина билан муносабатларни қайтадан тиклашга ҳаракат қилиб келади. Бирок Аргентина раҳбарияти мамлақатнинг тарихий мулкни зўрлик билан тортиб олган қироллик билан кўпам яқин бўлишни хохламайди.

Фолкленд можаросига 25 йил тўлган шу кунларда Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги Маргарет Бекетт Лотин Америкаси мамлақати билан муносабатларни яхшилаш мақсадида икки томондан ҳам аскарлар ўлимига сабаб бўлган урушдан афсус билдирган ҳолда, аргентиналиклар бевосита орол ҳудудига хотира маросимлари ўтказишлари мумкинлигини таклиф қилди. Бирок бу таклиф ҳам Аргентина раҳбариятининг кўнглини юмшата олмайди. Аргентина расмий Лондоннинг таклифини рад этиш билан чекланмай, Фолкленд ороли бўйла-ридаги нефть конларини инглизлар билан ҳамкорликда ўзлаштириш тўғрисидаги лойиҳадан чиққанини ҳам эълон қилди. Мақлакат ташқи ишлар вазири Хорхе Тайана эса инглиз ҳукумати манманлиқда айланиб ва Британиядаги Фолкленд уруши муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар қурбонларни хотирлаш эмас, ҳарбий галаба паради эканини таъкидлади.

Хуллас, орадан чорак аср ўтса-да, Аргентина томони ҳали ҳам Фолкленддан умидини узмади. Мамлакатда ҳозирга қадар ҳаттоки катта сиёсий доираларда ҳам орол Аргентина мулки сифатида эътироф этилади. Маҳаллий газеталар эса Аргентинанинг бошқа ҳудудлари қатори Фолкленд оролидаги об-ҳаво маълумотларини ҳам мунтазам бериб келишади...

Қиёфа

Ривоят қилишларича, жамалақоч бир қизалоқ қаштириб қировил кунда қўшиникига тутантириқ учун чўс сўраб чиқибди. Қўшни кампир:

— Чўс сендан айлансин, қизим, лекин уни ниҳада олиб кетасан, на оташ-қурагинга, на ҳокандозинг бўлса, — дебди.

Кизалоқ:

— Чўс бўлса, онажон, олиб кетишнинг бир иложини қиларман, — дебди.

Кампир уни ўнқоқбошига бошлаб борибди. Кизалоқ қаштига кул ёйиб, устига ёнғоқдек чўс қўйиб, раҳмат айтиб уйига равона бўлибди. Шунда кеса эшили аёл кизалоқни алқаб дуо қилибди:

— Умрингдан барака топ, қизим, шу ақил-идроқинг, табдирқорлигинг бўлса, ҳеч қайси замонда хор бўлмайсан, ҳаётинг мунаввар бўлади!

Маҳмуд САТТОРОВ

Хар гал ривоятни эслаганимда, кўз ўнгимда қирқ йиллик қадрдоним, Педагог олими Раҳима Абдураззоқова Мавлонова гавдаланади.

Раҳима опа Тошкентда таваллуд толган бўлса-да, қадим Сарём-Имжент яқинидаги машҳур Сайрам қишлоғига дахлдор. Отаси — таниқли давлат ва жамоат арбоби Абдураззоқ Мавлонов хизмат юзасидан Чимкенту Туркистон, шахри азим Тошкенту бу вилоят шаҳар-қишлоқлари, Бухорои шарифу қўрқам Андижон воҳаларида бўлди, бу жойлар опага ўз тутилган шаҳридай яқин ва қадрдон. Илм-маърифатга, китобга дўстлик ҳам отаси Абдураззоқ Мавлоновдан ўтган.

Комил таълим ва тарбия олган Раҳима опа ривоятдаги қизалоқдек эрта қамолга етди. Олдин мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, кейин бу соҳада илгорлиги туфайли атоқли олим Раҳимжон Усмонов тавсияси билан Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида кичик, катта илмий ходим, сектор ва бўлим мудирилиги вазифаларида катта ташаббус ва ғайрат билан ишлади.

Опанинг ҳамқасби, "Алифбе" китоби билан ўнлаб авлодларнинг саводини чиқарган профессор Қумри АБДУЛЛАЕВА эътироф этади:

— Метин иродали, катта шижоат эгаси бўлган Раҳима Мавлонова институтида барчамизнинг бошимизни қувштириб, таълим тизимига янгилик яратиш, болани орқича юкдан халос қилиш, унга лозим бўлган асосий билим ва малака беришнинг оптимал йўл ва услубларини ишлаб чиқди. Болаларни зўриқтидан асраб, айни пайтда ўқитиш, ўрганишга ҳавас ва иштиёқи энг юқори даври — босқинчи ўз илмий-методик ишларида исботлаб берди. Бу 6 ёшларни мактабга олиш, муррақ инсонни ҳаётга тўғри йўналтириш ташаббусидан иборат эди.

Муаммони комплекс тарзда қамраб ол-

«Меҳнат»ни илм айлаб

Олима Раҳима Мавлонова суратиға чизгилар

ган тадқиқотчи 6 ёшли болалар организмнинг анатомик-физиологик хусусиятлари, бу ёшдагиларнинг психологик ўзига хосликлари, тайёрлов синфида табиатшунослик курсини ўрганиш, болаларга тасвирий санъат асосларини ўргатиш, меҳнат таълими методикасини ташкил этиш, жисмоний тарбия машқларини ўқитиш масалаларини изчилликда, ўзаро муштаракликда тадқиқ этиб, масалани илмий-амалий моҳиятини атрофича чуқур олиб берди.

Шогирдлари ҳамда касбдошлари жамоаси билан 70-80-йилларда "Биринчи синфда ўқитиш", "Иккинчи синфда ўқитиш", "Учинчи синфда ўқитиш", "Тўртинчи синфда ўқитиш" номли 4 та монографик асар яратиб, Ўзбекистонда бошланғич таълим тизимини илмий-методик жиҳатдан мукамал тавсифлаб берди.

Халқимизнинг "Меҳнатнинг тағи роҳат" деган мақолига бир умр амал қилиб келган олима тинмай изланди ва машаққатли меҳнатлари натижаси бўлган кашфиётлари: 1-синф "Меҳнат" дарслиги (1970), 2-синф "Меҳнат" дарслиги (1971), 3-синф "Меҳнат" дарслиги (1974), 4-синф "Меҳнат" дарслиги (1975), "Биринчи-тўртинчи синф дарслиқларига методик қўлланмалар" (1986, 1987, 1988) китоблари кетма-кет чоп этилди.

Замон инсонни ҳар қўйга солади. Шу жиҳатдан аёлда ҳам аёл бор. Олималар, тенгдош дугоналар, тузум мафқурасига ўз эътиқодлари нуктаи назаридан келиб чиқиб ёндашилди. Бир гуруҳ фаоллар педагогика, таълим-тарбияда атеизмин бош мезонга айлантирилди. "Адабиёт дарслиқларида атеизм", "Физика, химия, бориғки, барча фанларда атеизм — худосизлик методикасини ишлаб чиқиб, бу таълимотга асқар боладай амал қўйди. Уша йиллари барча фанлар бўйича атеистик адабиётлар қўзғириндай добраб чиқди.

Тенгдош дугоналаридан айримлари қадриятларимизга қарши фаол кураш очиб турганда, бу "ўрисибаит аёл" ўз дарслиқда рангдор ўзбек бешигини чиздириб, ёнига она алласидан тўрт сатрини ёздириб қўйди. Мафқурабоз, раҳбар дугоналари миллий урф-одатга риоя қилгани учун ўзбек зиялиларини жазолаётган паллада Раҳима Мавлонова мўъжаз дарслиқда миллий либосда — чопон, дўппи, белбода устачилик хўнарини ўзлаштираётган ўзбек боласини тасвирлади. Замонасоз тенгдошлари "Наврўз" байрамини таққиллаб, сумалакларни ахлатхоналарга ағдараётган замонда олима дарслиқда дошқозонда сумалак тайёрлаётган бувиларга қозон қовлаб ёрдამлаётган болақайлару кизалоқларни тимсоллади...

Раҳима Мавлонова ана шундай айланди замоналарда инсоннинг, барча миллатларнинг тириқчилик, ҳаёт манбаи, умр-

гузаронлиги асоси — инсоний меҳнат ҳақида дарслиқлар яратиш, миллатни, янги-янги авлодларни сохта мафқурау худосизликка эмас, оддий, қадимий, доимий, абадий — бахт ва иқбол қалити меҳнатга йўлади.

Тузум пўчоғидан қўш ясаб, гугурт чўпларидан шаҳар қурган бунёдкор болалар авлоди Раҳима Мавлонова мактабининг ўқувчилари эдилар. Шу тахлит ўзбек амалий педагогикасида сохта мафқура, қуруқ назария ўрнида ҳаётий, ўз маъносидан тadbиркор, ижодкор, ихтироси авлод туғилиб вояга етди ва қадим болалари каби азалий миллий аънаналарни давом эттириб, қадриятларни келахак бўғинларга етказиш йўлида кўприк бўлдилар.

Олиманинг амалиётчи педагог тарбиячилиги, айниқса, 1967-1973 йилларда бошланғич таълимнинг 3 йилликка ўтиши даврида яққол намоён бўлди. Эксперимент-тажрибалар мисли қўрилмаган натижалар берди. Умумтаълим мактаблари қошида тайёрлов синфлари очилди. Мана шу захматли меҳнатлари эвазига Раҳима Мавлоновага "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" (1974) унвони берилди.

Олиманинг кейинги 30 йиллик ҳаёти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети билан боғлиқ. Опа бу ўқув юртининг бошланғич таълим методикаси факультетида декан вазифасида хизмат қилиб, минглаб талабаларни халқимизнинг жонқур фидойи тарбиячилари қилиб вояга етказди. Турли ихтисослик кафедраларида 10-15 йиллар мудирилик қилиб, бу соҳаларда илмий-педагогик қадрлар тайёрлаш ишида ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшди.

Номзодлик ва докторликка ихтисослашган илмий кенгашларда раис ўринбосари, илмий котиб вазифаларида бекуму кўст ишлаб келган олима бу соҳада ҳалол, фидойи, ташаббускор илмий қадрларнинг етишиб чиқиш, давлат миллий дастури ижросини таъминлашдаги хизматлари шарафот яратди. Бевосита ўзининг раҳбарлигида 4 фан доктори, 20 фан номзоди етишиб чиқиб, улар Марказий Осиё ва собиқ Иттифоқнинг турли давлатларида таълим-тарбия соҳасида фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ношир ва олим Наримон ХОТАМОВ шундай эслайди:

— Раҳима Мавлонова муаллифлигидаги "Меҳнат" дарслиқларини мунтазам чиқариб келаётган "Ўқитувчи" нашриётимиз бир неча йиллар кўз минглаб тиражда бу дарслиқларни халқимизнинг янги-янги ав-

Охириги йилларда Ўзбекистонда барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш кузатилади. Хусусий секторнинг ривожланиши, ташқи савдонинг кучайгани, мамлакатимиз иқтисодидаги тўб ўзгаришлар тараққиётнинг асосий омилли бўлди. Шу билан бирга айни пайтда иқтисодий ўсиш барқарорлигини сақлаб қолган ҳолда кам таъминланган фуқаролар сонини камайтириш вазифаси ҳам асосий ўринда турибди. Бошқача айтганда, кам таъминланган аҳоли миқдорини камайтиришга хизмат қиладиган иқтисодий ўсиш механизминини яратиш керак.

Аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида



Кам таъминланган аҳоли кўрсаткичларини камайтириш биринчи навбатда ишчи ўрнини қўлайтириш, ижтимоий ҳимоя тизимини янада ривожлантириш, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда хизмат сифатини ошириш каби комплекс чора-тадбирлар қўришни талаб қилади.

Айни пайтда Ўзбекистон ҳукумати томонидан аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш борасида қизгин чора-тадбирлар олиб бориляпти. Мазкур стратегия бу борада олдинга қўйилган вазифаларни бажариш ва муаммоларни ҳал этишда асосий дастуруламал ҳужжат бўлиши кўпийляпти.

БМТ Тараққиёт дастурининг биносида ўтган ҳафта давомида Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ва мониторингини олиб бориш бўйича бир қатор урчушулар ўтказилди. Мазкур жараёнда кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш мақсадида уюштирилган тадбирларда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, нодавлат нотихорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, юртимиздаги бир қатор халқаро ташкилотлар, жусусан, БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки вакиллари, хусусий сектор, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манфаатдор томонлар иштирок этдилар.

Ушбу урчушуларни ўтказишдан қўланган мақсад мавжуд вазиятни биргаликда таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал этиш борасида ўзаро фикрлашиш, шу билан бирга миллий ва маҳаллий даражадаги қарорларни ишлаб чиқишда жамиятнинг барча қатламлари вакиллари фикр-мулоҳазаларини инобатга олишдан иборатдир.

Ўзбекистон аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш борасида БМТ Тараққиёт дастури каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Мазкур стратегияни ишлаб чиқиш жорий йилнинг ўрталарида яқунлашни режалаштирилган.

МУҲБИРИМИЗ

лодларига вақтида етказиб берди. Нафақат ўзбек, балки қозоқ, рус, қорақалпоқ тилларида ҳам бу дарслиқлар шухрат топди. Яна қўп бора бу қўлланмалар Россия педагог олимлари томонидан юксак эътироф этилгани боис нашриётимиз бир қанча рағбатномалар олганини миннатдорлик билан хотирлайман.

Истиқлол йиллари нафақадан қаҳриб олинган педагог олима ҳудди меҳнат таълимини тугатмай қайтган зобитдай шу кунларда "Бошланғич таълим педагогикаси ва тарбия методикаси" кафедрасини муваффақиятли бошқариб келмоқда.



Юбилей

Саида — боқий образ

Бир пайтлар Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур "Синчалак" повестига маломат тошлари отилди. Адибга партия ташкилотини, коммунистни мактаган, кўкларга кўтарган деган "айб" ёпиштириб, асарни чиппака чикармакчи бўлишди. Масалага чуқурроқ ёндашсак, қаҳрамоннинг ички оламига саёҳат қилсак, унинг туб моҳияти очилади.

Хафиз АБДУСАМАТОВ

50-ЙИЛЛАРнинг охирида Абдулла Қаҳҳорнинг нигоҳи адолатпарвар ёш раҳбарга тушиб қолади, унинг образини завқашк билан, зўр илҳом билан адабиётга олиб кириди. Ҳўш, Саиданинг қайси томонлари Абдулла Қаҳҳорни мафтун этган эди.

Саида жисмоний томондан ожиз, танаси озгин бўлса ҳам, лекин ички дунёси бой, ақли ўткир, идрокли зўр, билимдон киз. У халқдан озук олди, бу эса унга қудратли куч бахш этди.

Саида ушбу ташкилотчи ҳамдир. Унинг бу хислати, айниқса, кишлоқнинг оқсоқ томони — маданий-маиший ҳаётини кўтаришда алоҳида кўзга ташланиб туради. У доим пилла туғилиб юрган клубни деҳқонга дала иши, рўзгор ташвишидан бўшаганида бошини тикиб, нафасини ростлайдиган маданият ўчоғига айлантиради.

Саида ҳар бир ишга моҳир. Кишилар билан муомалада, уларни тарбиялашда, айниқса, Саиданинг ички имкониятлари, истеъдоди мукаммал намоян бўлади. Шу билан қаҳрамонимизнинг яна бир олижаноб фазилати очилади.

Саидани инсонларга бўлган ҳурмати, муруввати, уларда мавжуд нуқсонларга муросасизлиги билан узвий туташиб кетган. Пахтакорлар онгланишини ўсиши, масалани тўғри тушунишлари, муҳитнинг соғломланиши уни қанчалик хурсанд қилса, даладаги қинғир ишлар шунчалик юрагига ташвиш солади.

Камчиликларнинг илдири эса Қаландаров иш фаолиятининг томирларига бориб туташади. Кишлоқ иллатларининг пайини қирқиб, даставвал, раис раҳбарлигида ва иш усулидаги камчиликларни тугатиш билан узвий боғланиб кетади.

Қаландаров гарчи чаласавод бўлса ҳам жуда тажрибали деҳқон. Унинг университети — ҳаёт, билим манбаи — дала бўлди. Раиснинг кўп йиллик, бой тажрибаси катта ҳужайканинг механизмини эплаб юргиза олишга имкон берди. Қаландаровнинг ютуқлар олдида эсанкираши, ўзини йўқотиб қўйиши, тўғри позициядан тоийишга олиб келган нарса — унинг чала саводлиги, ўз устидан ишмаслиги, ўз меҳнатидан қаноатланиши, танқид, интизом доирасининг ташқарига чиқиб қолганини эди. Бу ҳол эса ўз ўзидан Саида билан Қаландаров ўртасида конфликтка олиб кирди.

Муаллиф конфликтни сохталаш-

тирмасдан, заифлаштирмасдан, буюмасдан, мураккаблиги, ўткирлиги ва кескинлиги билан ёритди. Илгари аёл боши билан котиб бўлишидан кўрққан Саида кишлоққа келиб, дала азаматлари билан учрашиб, юрагига далада олади, ўз меҳнатини бекорга кетмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу эса қаҳрамоннинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади.

Тортишуларда раис дарахнинг шохида бўлса, котиба баргида юради. Бу ҳолат биринчи тўқнашишдаёқ сезилади. Раис энгилтақлик қилганда ҳам тўла одобни сақлайди, овозини кўтармайди, гапнинг оҳангини ўзгартирмайди. Жанг майдонида Қаландаровга кетма-кет зарба бериб, уни энгиб боради, "чириллатиб-кирсиллатиб" эга бошлайди. Раис тортишув ботида котибга нисбатан онгсизроқ эканлигига кураш кучайган вақтда тан беради: "Бу синчалакни урولмасам, сўқолмасам, маҳмадонга экан, гапига қарши гап тополмасам". Кейинчалик эса у: "Аёл тоифасидан бўлсангиз ҳам дуруст чиқдингиз!" деб Саиданинг ўзича эътирофи этди. Уни Саиданинг салоҳати босадиган бўлиб қолади.

А. Қаҳҳор аёлларни фақат жамият ишларида эмас, балки оилада ҳам эркаклар билан тўла маънода тенг ҳуқуққа эга бўлганликларини ифодалаш билан эски урф-одатларнинг ўрнини янги муносабатлар эгаллаб боришини, иллатлар суриб чиқарилаётганлигини ишонарли қилиб очиб беради.

**Эски одатлар**нинг мағлубиятга учраши, янги муносабатларнинг афзаллиги Саида билан Козимбек алоқасида, муҳаббатда ёрқин гавдаланади. Муаллиф бу икки ёш юрак самимий ички туйғуларининг бўлишини, кучайишини типиклаштириб кўрсатади. Севгини жимжимдор гаплар, узундан-узук тантанали ваъдалар, дабдабали нутқлар, ёрни кўкларга кўтарадиган чиройли мактовлар негизда эмас, балки реалистик вазиятда, оддий воқеалар жараёнида самимий равишда ифодалади. Асарда Саида ва Козимбек ҳаттоки бирор марта бир-бирларига муҳаббат изҳор қилганлигини учрата олмаимиз. Лекин уларнинг муносабатларидан, муомалаларидан ёш юраклар севги билан тўлиб тошганини сезилиб туради.

Бунга аниқлик киритиш учун ёзувчи Саиданинг ички хиссиётларини китобхонга очиб беради. "Саида эса ундан балогатга етганидан бери қалбининг ҳарорати билан кизиб, ўза қалбга чиппа ёпишадиган бирор оғиб сўз кутар эди. Йўқ, Козимбекдан бундай сўз қилмади". Асарда Козимбекнинг ички туйғулари ошқора равишда ёритилмайди, буни аниқлаб олишни муаллиф китоб-



хонга ҳавола қилади. Ёш севгининг тақдирини ёзувчи ҳал қилгунча, китобхон муаллиф хулосасига ундан олдин келади. Бу асарнинг нуқсонлари эмас, балки фазилатидир.

Сюжет йўналиши, икки юрак муносабатларининг реал ривожини, китобхонда тўғри хулоса чиқаришга имкон берган.

А. Қаҳҳор севгини тасвирлашда ҳам оригинал бир воситани қўлади. У ошиқ-маъшукни ташки томондан ҳам гўзал қилиб кўрсатиш одатидан қочди. Ўз қаҳрамонининг кўринишини хунук, кўримсиз қилиб чизди. Козимбекнинг ташки киефаси бундай таърифланади: "... новча, бўйни ингичка, кулоқлари елпугичдай", калласи катта. Шундай бўлса ҳам у Саиданинг юрак торларини чертиб, унда ҳақиқий, чин севги уйғотди. Унга Козимбекнинг "шалпон кулоғи" ҳам ўзига ярашган, истасан иссик, очик, хушчақнақ йигитдай кўринади. Козимбекнинг бой, гўзал ички дунёси, ўткир ақли, соддалиги, маъсум киефаси Саидани ўзига мафтун этади. Илгор нарсаларнинг ҳар бир соҳада, шу билан бирга, маиший турмушда ҳам борган сари ҳумронлиқни эгаллаши келажак — илгорлик, англик даври, уларнинг тантанаси даври эканлигини исботидир. Булар ҳаммаси Саиданинг боқий образ эканлигини исбот қилади.

Саида, Қаландаров, Тожиҳон, Кифоятхон, Эшон, Ҳамидулло характерининг суяк-суякга, қон-қонига миллий хусусиятлар сингдириб кетган. Миллий характерлар мазмун асосида қурилган ўзбек миллий шариоати, маиший, оилавий ҳаётда, тарихий-ўтмиш асосида аёнланиб мисолида ёрқин очиб беради.

"Синчалак"нинг миллий хусусиятларини, айниқса, асар тилида, персонажларнинг нутқидан яққол кўриш мумкин.

**МАЪЛУМКИ.** А. Қаҳҳор сўз устаси. Унинг бутун ижоди буни яққол исбот қилди. "Синчалак" эса муаллифини бу соҳада янги бир юқори поғонага кўтарди.

Унинг катта ютуқларидан бири шундаки, асарда муаллиф ўз ижодида ишлатилган бирорта иборани, мақолани қайта ишга солмади. Ўзбек тилининг бутун мураккаблигича билган адиб асарини бошидан-оёқ янги-янги жумлалар, қизқарли, ўткир иборалар билан бойитди. Муаллиф ҳаттоки бир хил тоифадаги, бир хил характердаги кишиларни қаламга олиб, уларнинг киефасини кўз олдимизга келтиришда ҳам бошқача ибораларга мурожаат қилган.

Битта деталнинг ўзи ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Ёзувчининг "Майиб эмаган хотин" ҳикоясида Норқўзи хотинининг "фаришта"лигини билдириш максатидида, омонда унган самолётда-

ги кишилардан қочадиган қилиб кўрсатади. Повестда эса худди шунга ўхшаш жувоннинг характерини гавдалантириш учун муаллиф адабиётда қўлланилмаган, лекин юқоридagi мазмунни тўла англата оладиган қисқа шаклни топа олди. "Хатто хўроздан ҳам юзини беркитадиган хотин" дейиши билан китобхонга унинг ким эканлигини, табиятини, хулқ-атворини очик англатади.

У Қаландаров билан Эшон ўртасидаги яқинлиқни, Эшон раиснинг тўла ишончига ўтиб олганлигини қуйидаги жумла билан ифодалади. "Эшон дадамнинг гўшти билан териси орасига кириб олган", дейди Козимбек. Қанчалик аниқ, чуқур таъриф.

А. Қаҳҳор яратган образлар ҳаётини конкретлиги, типиклашмаган ижтимоий-сиёсий қўқурлиги, индивидуаллаштиришнинг кучлилиги билан ажралиб туради. Адибнинг ҳар бир персонажидида ўзига хос белги бор деб айтсак, муболаға қилган бўлмаймиз.

Муаллиф ўз қаҳрамонлари тилига халқ тилининг руҳи, қудратини сингдириб юборган. Асардаги бой омор, чуқур маъноли киноялар, кесатиклар, ўткир сўз уйинлари, машҳур иборалар, нишонга найздай санчиладиган мақоллар қаҳрамонлар тилига жон киритиб юборган, образлилик бахш этган.

Буларнинг ҳаммасини бириктирсак, қаҳрамонлар тили нақадар индивидуаллашганлиги, асар тили нақадар рангдор, сербўёқ ва гўзаллиги, миллий хусусиятлар порлок ва ёрқин тасвирланганлиги яққол сезилиб турибди.

Бу шуни кўрсатадики, А. Қаҳҳорнинг бадиий маҳорати, айниқса, "Синчалак"да барқ урди. А. Қаҳҳор услубининг ўзига хос хусусиятлари — воқеликни ҳақсоний тасвирлаш, гоёвий жиҳатдан лухталиқ, конфликтни бутунлигича, мураккаблигича, кескин ўткирлигича кўрсатиш, образларни кенг тарзда умумлаштириб, ёрқин ва жонли яратиш, ижтимоий-сиёсий масалаларни типиклаштиришнинг конкретлиги, психологик таҳлилнинг чуқурлиги, ифодаланаятган воқеа, ҳодисаларни китобхон кўз олдида яққол гавдалантириш.

А. Қаҳҳор ижобий образлари адабиёт хазинасига кириб, олижаноб шахсларнинг тимсоли бўлиб қолди, китобхонлар қалбини чуқур ўрин эгаллай олди. Лекин шу билан бирга, А. Қаҳҳор шўро даври идеологизмининг таъсирига берилган. Бу тузумнинг оқибатларини район партия қўмитаси котиби Носиров фаолиятида яққол сезиш мумкин. Партия сиёсатини мақташлари, ижобий самаралари тўғрисидаги гаплар ўтмиш тузумини эслатади. Бунинг учун А. Қаҳҳорга таъна қилиш ёки "Синчалак" повестини камситиш ўринсиз, деб биламан. Бунга айбдор Абдулла Қаҳҳор эмас, у яшаган тузумдир. Чунки унинг гоғларидан ҳеч ким қутула олмаган, бутунлай четлаб ўта олмаган.

**УМУМАН** олганда, "Синчалак" асари китобхонларга самарали таъсир кўрсатиб, юксак мафкуравий онгни тарбиялашга, кишилар тушунасидида ханузгача сақланиб келаятган ярамас иллатларни енгишга ёрдам беради ва бунга тарғиб қилади.

Эхтиром

Мангу зангор дарахт

миллий санъатимизга ана шундай сифат беришади

Саодат Йўлдошева оғзаки ижод намуналари, миллий қадриятларини халқдан ўрганиб яна элимизга қайтараятган фольклор санъатининг моҳир билимдони. Эҳтимол, миллий куй-қўшиқлардаги сеҳр, фольклор санъатидаги инсон қалбини жунбушга солувчи ажойиб туйғулар, қадимий урф-одатлар жозибаси ва қадриятларига муҳаббат уни гўзал Фарғонадан Тошкентга етаклаб келгандир.



Кундуз НИШОНБОВА, тарих фанлари номзоди

С.Йўлдошева Фарғонанинг Бешбола қишлоғида туғилиб, ўқувчилик йилларидаёқ мумтоз адабиётга, шеърятга меҳр қўйди. Уша меҳр ва муҳаббат Миллий университетнинг филология факультетига кириб ўқишга ва оддий кишлоқ қизидан бугунги кунда эл тананган олимпиада, талабчан устоз ва ёшларга севимли мураббий бўлиб етишишига имкон берди.

Илм йўли машаққатли, аммо меваси тотли. У ишни Тошкент Давлат маданият институти "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедрасида оддий ўқувчиликдан бошлади. С.Йўлдошева айнан илм йўлини ушбу мушкул зиналаридан юриб, Марказий Осиё халқларининг буюк қадрияти "Алпомиш" дostonи поэтикаси мазмунини ҳимоя қилди. У бугунги кунда «Халқ ижодиёти» кафедраси мудири, бир қанча рисодалар, ўқув-услубий қўлланма ва китоблар муаллифи.

Азиз Қаймов, Тўра Мирзаев, Ғайрат Жололов каби устозлар таълимини олган олимпиа қирқ йиллик педагогик фаолияти давомида ўзи ҳам касбининг моҳир устаси сифатида элга танилди. Фикримизнинг ёрқин далили сифатида бир қатор рисола ва қўлланмаларни келтириш мумкин. Масалан, "Мангу безавол хазина" (1986), "Мунаввар" (1994), "Аёл маънавияти оила таъини" (1999), "Барҳаёт айналар", "Фольклор-этнография жомалари услубияти" (1999), "Халқ урф-одати ва айналар" (2003), "Аёл,

оила, маҳалла ва ёшлар маънавияти", "Аёл қалби дунёни тинлар" каби чоп этилган рисола ва китоблар бунга мисол бўла олади.

Ҳаётнинг ўз тошу тарозули бор. Фидокорона қилинган меҳнат асло самарасиз қолмайди. Олимпиа ўз меҳнати тўғрисида олий ўқув йўлидаги бир неча илмий кенгашларнинг азоси, қатор муқофотлар совриндори, танловлар соҳибаси бўлди. Болаликдаги ширин орзуларга сазовор бўлди. 2006 йилда у "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонига сазовор бўлди.

Бугунги кунда республика камиз вилотларида фаолият юритаётган "Момогул", "Нозанин", "Моҳи ситора", "Чодир жамол", "Қабутар", "Сарвиноз", "Қизгалдоқ", "Моҳигул", "Муножот", "Гулёр", "Тўғрай", "Гавҳар", "Ер-ёр", "Омон ёр", "Чашма" каби фольклор этнографик дасталарининг ташкил этилишида улар репертуарининг ҳақиқий халқона қўшиқ ва лапарлар билан бойитилишида С.Йўлдошеванинг талай хиссаси бор. У "Олтин мерос" халқорой хайрия жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти илмий-услубий маркази билан доимий ижодий ҳамкорлик қилиб келади. Илдиридан узилган дарахт қурийдан, дейдилар. Миллий санъатимиз дарахти мангу зангор ранг бўлмағи учун ана шундай фан фидоилари кўп бўлиши керак.

Хотин-қизларга давлат



Сўзсиз сурат А. ҲАКИМОВ чизган

сиёсати даражасида эътибор берилаётган бир пайтда С.Йўлдошева жамиятда ҳам ўз ўрнига эга бўлган аёлдир. Уни гоҳ республика миқёсида ўтадиган кўпгина кўрик танловларда ҳақамлик қилаётган, гоҳ талбаларга жонқурлик билан дарс бераётган, гоҳ бирор маърифий тадбирни уюштириш ташвиши билан куюниб юрган, халқаро илмий амалий анжуманларда маъруза қилиш учун тайёр-гарлик кўраётганда учрата-сиз.

Тошкент Давлат маданият институтида маънавий устоз-шоғирдик тизими жорий этилган. Мазкур тизим том маънода, касбий жиҳатдан рақобатбардор, маърифий-жиҳатдан билимдон, сиёсий жиҳатдан етук, мафкуравий жиҳатдан собит ва иқтидор кучли авлодни тарбиялашга асосланган. Бу ўринда устоз бағри кенг, ҳолис ва самимий бўлганда шогирдлар билан ўзаро муносабатлар самарасига умид боғлаш мумкин. С.Йўлдошева бу борада ҳам ўзига хос. У ўз билим ва тажрибасини ёшларга сингдира оладиган, машаққатли меҳнатдан қочмайдиган, қўйилган мақсадга эришишда қатъийлик кўрсата оладиган устоздир. Зеро, у тарбияда ҳам миллий анъаналарга суяниб иш қўради.

Олимпиа утган асрининг 80-йилларидан бунён Ўзбекистон миллий телерадиокорпорациясида "Уй оstonдан бошланади", "Аньана ва замон", "Изоҳор", "Олтин бешик" халқ ижодиёти дастурларини тайёрлаш, эфирга олиб чиқишда республиканинг етакчи фольклорношунос олимлари, моҳир режиссёрлари билан ҳамкорликда иш тутиб, қўпгина фольклор-этнографик жомалар маҳоратини фалқат юртимизда эмас, балки хорижда ҳам тарғиб қилишга катта хисса қўшиб келмоқда.

Узининг муборак 60 ёшини қаршилаётган олимпиа миллий санъатимиз ихлосмандлари номидан кўзгини мубаракбод этиб, уларга сихат-саломатлик, илмий парвозлар тилаб қоламиз.

Хоразм вилотидаги олий ўқув йўлида контракт асосида таълим олаётган 166 нафар талабанинг 2006-2007 ўқув йили учун 35 фойизлик шартнома тўлови «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан тўлаб берилди.

26 миллионлик ёрдам

Урганч Давлат университети 152 нафар, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалининг 13 нафар, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг бир нафар талабасига умумий миқдорда 26 миллион 260 миң сўмдан ортик ҳажмда моддий ёрдам уюштирилди. Улар ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан берилган таъсирномаларга кўра имтиёзли баллга эга бўлиб, ўқишга қабул қилинган 250 нафардан ортик муддатли ҳарбий хизматни ўтаган талабалар орасидан танлаб олинди.

Шунингдек, УрДУ инженер-техника факультети 3-босқич толиби Гулномжон Эрметов ҳамда ТТА УФ давлолаш иши факультети 2-босқич талабаси Динара Сафоевалар ўқишдаги ижтимоий фаолиги, илмий изланишлари боис «Камолот» таълим грантининг кўлга киритган мамлакатимизнинг 30 нафар истеъдодли ва қобилиятли ёшлари қаторидан жой эгаллашди. Талабаларнинг 50 фойиз шартнома-тўлов пули ёшлар таълимоти томонидан тўлаб бериладиган бўлди.

Пўлатбек БЕКМЕТОВ

Тилсим

Куйида эълон қилинаётган маълумотлар қадимий меросимизда кўп таъкидланган далиллар асосида тузилган бўлиб, улар кўпроқ эҳтимол, фараз хусусиятига эга. Уларни асло ҳукм сифатида қабул қилмаслик керак.

**Киефа илми билан боғлиқ аломатларнинг яхши ё ёмон тарафлари кимда устунлик қилса, у одамда шу сифатлар ва атакчилик қилган бўлади. Бу аломатлар кишиларга баҳо беришда нисбий қимматга эга бўлиб, аксар ҳолларда тўғри тасаввур пайдо қилади.**

Билак аломати

Билаги узун, қўлтиги серғушт кишилар бахт иқболи банд, ризқи фаровон бўлади.

Кўкрак аломати

Кимнинг кўкраги кенг ва серғушт бўлса, небахтлиқ нишонидир. Кўкраги тор ва камгўшт кишилар ёмон феълли, бадбахт бўлиши қайд этилади.

Корин аломати

Қорни катта кишилар аҳмоқ бўлади. Қорни ўртача одамлар маслаҳатдон, ақли комил ва хушёр бўлади.

Кимнинг қорнида бир донча чизиги бўлса, унинг тўғдан ўлишига далолат. Икки қатор чизиги бўлса, аёл билан кўпроқ сўбат қилади. Уч қатор чизиги бўлса, доно, илмли ва хушёр бўлади. Тўрт, беш қатор чизиги бор кишилар ҳам шундай фазилат эгаларидир. Аммо чизиги бўлмаса, у одамнинг иқболлиги экани белгисидир.

Сурат ва сийрат

Кимнинг қиндиғи катта ва юмалоқ бўлса, давлатманд ва саодатмандлик аломатидир.

Бел аломати

Бели йўғон одам қувватли, шижоатли, шу билан бирга такаббур бўлади. Кимки юрганга энгашиб юрса, у ёмон феъллидир. Бели узун киши ёмон таабли бўлади.

Ранг аломати

Кимнинг ранги анор донасидек қизил бўлса, у баджаҳл ва тез хафа бўладиган кишидир, ҳар ишда шошиб туради. Ранги кўк бўлса, нияти бузук кишидир. Кимнинг ранги оқ ва қизил бўлса, хушфеъллик белгисидир. Ранги қизил бўлиб, қорага мойил кишилар ёмон сифатлидир. Бугдой рангли кишилар хушхулқ, оқил ва тезфаҳм бўлиб, хушфаросат ва бахтлилик аломати ҳамдир.

Бадан аломати

Кимнинг бадани мулоийм бўлса, фаҳмидроки банд, таъби латиф, озода зотдир. Бадани қаттиқ кишилар эса бакуват, тамизли ва фаҳмли бўлади. Терининг нафис ва мулоиймлиги яхши феъл ва яхши сифатлар белгисидир.

Тук аломати

Бадандаги туқларнинг бакуватлиги шижоат ва пахлавлонлик белгисидир. Мулоийм туқлар эса кўрқоқлик аломатидир. Туқлари ўртача бўлса, ички ва ташқи фазилатлари яхшидир. Кимнинг кўкрагида ва қорнида туқлари кўп бўлса, у оқибатда феълли одамдир, туқлари кам бўлса, ла-

тофатли ва ақли зиёдадир. Сарик туқлар аҳмоқликка далилдир, қизил эса пахлавлон ва димоғи беиллатлик белгисидир. Туқлар қоралиқда, мулоиймликда, қаттиқликда ўртача бўлса, ақл ва яхши миҳоз аломатидир. Баданида бир тешиқдан бир туқ чиққан кишилар бадавлат, икки туқ чиқса, лаззатни хуш кўрадиган, уч туқ чиқса, серибот, тўрт туқ чиқса камбағал-қашшоқ бўлади. Туқларнинг ингичкалиги бадфеъллик нишонидир.

Овоз аломати

Овози йўғон, банд кишилар пахлавлон бўлади. Кимнинг овози мулоийм ва ингичка бўлса, феъл-атвори яхшилик белгисидир. Димоғи билан гапирадиган кишилар такаббурдир. Ёқимсиз овозли кишилар аҳмоқ бўлади. Мулоийм ва оҳиста сўзлаган киши оқил, доно, тез, шошлиб сўзлаганда кўли билан ишора қилиб гапирса, у зийрак ва фаросатлидир.

Кулги аломати

Кимки қаттиқ овоз билан, қаҳ-қаҳ уриб кулса, нодон ва беҳаё бўлади. Паст овоз билан кулган кишилар андишали, ҳаёли, хушхулқ, сабрлидир.

Қомат аломати

Бўйи дароз киши аҳмоқ бўлади. Ўрта бўйли кишилар ҳижматли, фаросатли, софқўнгилли бўлади. Алломалар таъкидлайдиларки, қоматнинг энг яхшиси ҳар кимнинг панжалари билан 120 панжага баробаридир.

Юриш-туриш аломати

Юганда оёқларини эгри қўйса, у киши катталарни гийбат қилади ва уларни ёқтирмайди. Тез юрган кишилар қаҳр-ғазабли, жажали бўлади. Секин юрадиган кишилар гапгандир. Кимки қадамини эрга қаттиқ босиб юрса, бахтсизлик нишонасидир. Юганда қадамини йироқ-йироқ қўйиб кетмок ҳаёллат ва аҳмоқлик белгисидир.

Кафт аломати

Кафт серғушт кишилар бадавлат бўлади. Кафт рангининг қизиллиги хушфеъллик ва таъби озодалик белгисидир. Сарик кафтли кишилар ёмон феъллидир. Кафт оқ ва қора аралаш бўлса, бадбахтлик белгиси. Кафта чизикларнинг кўп ёки оз бўлиши ҳам ёмонликдандир, ўртача бўлса, бахт ва иқбол белгисидир.

Бармоқлар аломати

Панжаси узун киши узук умр қўради. Ингичка, мулоийм панжа хушбахтлик нишонидир. Юмалоқ, қаттиқ, эгри панжалар бадбахтлик белгисидир. Панжаларни юганда ораси очик турса, камбағаллик, жипс турса, бадавлатлик нишонидир.

Тирноқ аломати